

Date: 3rd February-2025

ХУҚУҚИЙ СОҲАДА АЁЛ СИЙМОСИ.

Чубоева Озодахон Кувонбековна

НамДУ юридик факультети доценти

Аннотация: Мақолада мамлакатимиздаги фаол аёллардан бўлган, хотин-қизлардан биринчи юрист Хадича Сулайманованинг давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими ва илмий фаолияти ёритилди

Калит сўзлар: Юрист, Хадича Сулайманова, давлат, бошқарув, суд-ҳуқуқ тизими, илмий фаолият, жиноят кодекси, диссертация, фан доктори, академик.

Аннотация: В статье раскрывается юридической практике первая женщина юрист страны Хадича Сулайманова и её деятельности в государстве и судебно-правовые науке и научные практике

Ключевые слова: Юрист, Хадича Сулайманова, государство, управления, юриспруденция, научная практика, уголовный кодекс, диссертация, дисциплина докторская, академик.

Abstract: The article reveals the legal practice of the country's first female lawyer, Khadich Sulaimanova, and her activities in the state and judicial law science and scientific practice.

Keywords: Lawyer, Khadicha Sulaimanova, state, management, jurisprudence, scientific practice, criminal code, dissertation, doctoral discipline, academician.

Мамлакатимизда жадал суръатлар билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, қонунчиликнинг либераллашуви ҳамда ижтимоий муносабатларда ҳуқуқий институтларнинг барқарорлашувида юрист кадрларга эҳтиёжни ошишига олиб келмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ҳуқуқий маданияти юксалди.

Бу борада назария ва амалиёт соҳасидаги олимларнинг ўрни алоҳида ҳисобланади. Юридик соҳада билим, салоҳияти юксак, соҳада элга хизмат қилган юристларимиз салмоғи етарли даражада.

Бир қўли билан оилани, бир қўли билан дунёни вазифаларини бажараётган аёл юристлар ўрни залворли.

Хозирги кунда ёшларга ўрнатилган бўлган таниқли юристлар билан мамлакатимиз фахрланарли даражада, соҳамизнинг келгуси бўлажак юристларга ибрат бўлувчи юқори малакали юристларимизни таништириб, ёшларга мотивация бериш эса вазифаларимиздан биридир.

Шундай юрист аёлларимиздан бири Хадича Сулаймановадир. Ўз ўрнида мамлакатимизда юридик соҳага муносиб ҳисса қўшган олима эътироф этилади.

Хадича Сулайманова нинг илм-фан ривожини, давлатни ривожлантиришлари фаолияти, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришлари меҳнати, тарихий ибратли ҳаёт йўли барча юристлар учун ибрат бўлиб қолган.



Date: 3rd February-2025

Айниқса, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаган олимани билишни ва ёш бўлғуси юристларда яхши ва юридик соҳада ижодкорлик муҳитини шакллантиради.

Хозирги кунда қонунни ҳаётга тадбиқ этувчи қатламга ўз билимларини ҳар тарафлама мукамаллаштириш зарурияти мавжуд. Жамиятга ҳам назарий ҳам амалий билимга эга, круатив фикрловчи ёшлар керак. Бу жаараёнда Хадича Сулайманова ибратини қайта-қайта ўрганиш зарурлигини даврни ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз тарихига назар ташлаганимизда аёллар ичида фикҳ илми соҳибалари яшаб ўтгарлиги ва жамият тараққиётига муносиб хисса қўшганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, Фотима Самарқандия XII асрда отаси Муҳаммад Самарқандий билан эл улусга йўриқномалар берган аёл уламо саналади.

Мамлакатимизга XIX-XX асрда Роман-герман ҳуқуқ оиласининг шаклланиши ва норматив ҳуқуқ тизимининг вужудга келиши ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятининг янги ислоҳ жараёнларида эса шу тизимга мос кадрларни етиштиради.

Хадича Сулайманова шу даврнинг юлдуз каби ярқираган баркамол аёл юрист сифатида тарихда қолди.

Дарҳақиқат, Хадича Сулайманова каби мамлакатимизда ҳуқуқ соҳаси тараққиётининг ривожига улкан хисса қўшган аёл юристлар санокли десак муболаға бўлмайди.

Юридик фанлари доктори, профессор Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Сулаймонова Хадича Сулаймоновна 1913 йил 3-июлда Андижонда туғилган. Ёшлик вақтида ҳуқуқ соҳасига қизиқиши, адолатга интилиши бўлган.

Академик Акмал Саидов ва бошқа муаллифлар томонидан 1993 йилда “Ўзбекистон” нашриётида чоп етилган “Хадича Сулаймонова - ҳуқуқшунос олима, давлат арбоби” китобида олиманинг ҳаёти, ижодий фаолияти, меҳнатига нисбатан давлатимиз томонидан берилган тақдирловлар батафсил баён этилган.

У Ўзбекистон тарихидаги биринчи ҳуқуқшунос қиз ва судья ҳисобланади. Хадича Сулаймонова кичиклигидан ўзининг билим олишга бўлган интилиши билан ажралиб турган, иқтидори, меҳнаткаш ҳамда адолатпарвар қиз бўлиб, ўз тенгдошлари орасида зукколиги билан ажралиб турган. Айнан у балоғат ёшига етиш даврлари мамлакатимиз худудида жуда катта қийинчиликлар даври бўлган. Туркистон ўлкасида октабр инқилобининг рўй берган ва жамият тубдан ўзгарган. Давлат бошқаруви, ҳуқуқ тизими алмашинган

Хадича Сулайманованинг отаси эрта вафот этади, бу вақтларда мамлакатимиз худудида 1926-йилдаги “Хужум” ҳаракати амалда ошган давр кўплаб хотин-қизлар паранжи ташлаш ҳаракатларида иштирок этган. Улардан анчаси ўз оталари, ака-укалари ва турмуш ўртоқлари томонидан ўлдирилган. Эски тизим парчаланган ва маданиятда янги ҳолатлар шакллана бошлаган жараён бўлган. Ёш Хадича жамиятни юксалтиришга қаратилган мақсадларини амалда кўришга ҳаракат қилган.



Date: 3rd February-2025

1931 йилда рус мактабини тугатган Хадича Давлат қурилиши ва ҳуқуқ институтига ўқишга кирган.

Талабалик даврларида илм-фанга қизиқиши туфайли, Хадича Сулаймонова 1938-йилда Москва юридик институти совет жиноят ҳуқуқи кафедрасига аспирант бўлиб киради.

Айнан шу йилдан бошлаб, у ўз илмий фаолиятини бошлайди. 1945-йилнинг 20-июлида Москвада биринчи “Ҳарбий интервенсия ва фуқаролар уруши даврида Ўзбекистон ССРнинг жиноят қонунлари” мавзuidaги диссертациясини ёқлагач, Тошкентга ҳуқуқшунослик фанлари номзоди бўлиб қайтиб келади. Бу даврда Хадича Сулаймонова ҳуқуқшунослик соҳасида илмий даража олишга сазовор бўлган биринчи аёл эди.

1948-йилда эса СССР Фанлар Академиясининг ҳуқуқ институтига докторантурага юборилиб, қисқа вақт оралиғида унинг иккита мақоласи чоп этирилади: “Ўзбекистонда совет жиноят қонунининг вужудга келиши” ҳамда “Ўзбекистон ССРда совет судларининг ташкил топиш тарихи”.

1950-йилда эса Х.С. Сулаймонова докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, профессор илмий унвонини олди.

Ўз даври Жиноят кодексига мукамал тавсиф берди ва кодексни қўддаш бўйича шарҳ берди.

Мамлакатимизда жиноят ҳуқуқи ва қонунчилиги, шунингдек, совет суди тарихини яратган биринчи ҳуқуқшунос сифатида тарихда қолди

Жиноят кодексига шарҳлаш билан бирга алоҳида хусусиятларини, яъни минтақадаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, жиноятларнинг олдини олиш йўллари ва адолатли жазоларнинг қўлланиши тартибини ёритиб берди. 1954-йилда юридик соҳадаги меҳнатлари учун ЎзССР Олий Совети Президиуми томонидан “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвонига муносиб деб топилади;

1956-йилда еса юридик фанни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ЎзССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланади. Х.С. Сулаймонова илмий фаолияти давомида қуйидаги йуридик асарларни яратишга муваффақ бўлди:

1. О‘збекистонда совет жиноят ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
2. О‘збекистон совет ва давлат ҳуқуқи тарихи: 1917-1924-йиллар;
3. О‘збекистон совет ва давлат ҳуқуқи тарихи: 1924-1937-йиллар;
4. О‘збекистон совет ва давлат ҳуқуқи тарихи: 1937-1958-йиллар;
5. О‘збекистон халқ хо‘жалигини тартибга солишнинг ҳуқуқий масалалари;
6. Коммунизм қурилиши даврида О‘збекистоннинг совет ҳуқуқи;
7. Туркистон АССРда совет судининг ташкил этилиши ва ривожланиши (1917-1924).

Хадича Сулаймонова 1965-йилнинг 26-ноябрида вафот этган



Date: 3rd February-2025

Қисқа умр кўриш дарида жуда кўплаб илмий мерос қолдирди, ҳамда эл-юртнинг ҳурматиға сазовор бўлди. Ҳуқуқшунослик фанининг ривожланишиға ва Суд-ҳуқуқ соҳаси таракқиётиға катта ҳисса кўшиб кетди.

Фойдаланган адабиётлар:

1. М.Х. Ҳақимов Академик Ҳадича. - Т.: “Ўзбекистон”, 1972. - 83 б.
2. М. Ҳақимов, Г. Аҳмедов ва А. Саидов Ҳадича Сулаймонова - ҳуқуқшунос олима, давлат арбоби. - Т.: “Ўзбекистон”, 1993. - 150 б.
3. Тошкент. Энциклопедия. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2009. - 675 б.
4. Chuboyeva Ozodaxon Kuvonbekovna. INSON HUQUQLARI XALQARO STANDARTLARI VA MILLIY GENDER MASALALARI. O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIIY TADQIQOTLAR JURNALI. 33-SON 20.10.2024. 166-170-betlar.
4. Chuboyeva Ozodaxon Kuvonbekovna. Oila mustahkamligini ta’minlashda ota, ona, farzandlar tarbiyasi o’rni. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH VOLUME-7 ISSUE-10 (30- October) 44-50. VOLUME 7, ISSUE 10 (30- OCTOBER)
5. Chuboyeva O. Oila ma’naviyati-jamiyat taraqqiyoti omili. So’nggi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. 7-jild 10-son Respublika ilmiy-uslubiy jurnali 13.10.2024. 106- 112
6. Chuboyeva O. Nikoh munosabatlarida milliylik va qonun normalarining amal qilishi. So’nggi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. Respublika ilmiy-uslubiy jurnali. 13-mart, 2024-yil 7-jild 3-son. 131-135
7. <https://www.youtube.com/>. Ҳадича Сулаймонова - первая женщина - доктор юридических наук Узбекистана

